

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

30 январь – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуд топган кун

Хонага киришим билан телефон жиринглади. Жавоб бердим: Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи директори Умнат Мирзакулов экан. Кеча тунда сайтимиз орқали Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорни энтикиб ўқиганини, дийдаси намланганини айтди.

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШНИ ЎЙЛА...

– Ислом акани хотирладим. Ҳаёт бўлганларида бир кам саксон ёшда бўлар эканлар... Туни билан мижжа қоққаним йўқ. У киши билан боғлиқ дилгир хотирларимни қоғозга туширдим. Ҳозир сара-лаётиб, эълон қилсам-чи, деган фикр хаёлимдан ўтди. Сизларга бермоқчиман. Ҳазилдан шаҳарга тушганимча кун ярим-лайди. Бораверайми? – деди.

ларни охирига етказмагунча ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермасдан меҳнат қилаётган инсонни мен ҳақиқий етакчи-раҳбар сифатида қабул қиламан. ...Менга доимо куйиб-ёниб яшайдиган, фидойи одам маъқул...
"Олтин қоида" ўзини оқлади. Умнат аканинг юзига ним табассум югурди. Боши билан тасдиқ ишорасини бериб, шундай деди:

– Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2004 йилдаги навбатдан ташқари сессиясида айтганлар бу гапни. Куннинг ўтиши қийин, йилнинг ўтиши осон, дейишгани рост. Қаранг, шунга ҳам 13 йил бўлибди. Ростини, Ислом ака билан ишлаш осон эмас эди. Чунки у киши наинки ўзларига, барча раҳбарларга ўта талабчан эди. Ислом аканинг чинакам етакчи-раҳбар қандай бўлиши кераклиги ҳақида айтган фикрларининг амалдаги ифодасини бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин...

Очиғи, муайян вақт Тошкент вилоятига раҳбарлик қилган Умнат ака ҳақида кўп самимий гаплар эшитганман. Зиёли, тоза одам, дерди мактаб директори-ман. Қолаверса, анчадан бери мустақиллигимиз меъмури ҳақида ёзганларим келаётгудди. Гапдан-гап, фикрдан-мулоҳаза туғилди, тафаккур бойиди. Зора, Мирзакуловнинг буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов ҳақидаги ҳикоялари, ёзган материаллари кечинмаларимни қоғозга кўчириш учун бир туртки бўлса, деган илҳомда – майли, бе-малол келаверинг, дедим. Кўришдик.

Халқаро журналистикада олтин қоида бор: мухбир тайёрлаётган материал қизиқарли чиқиши ва ҳаммага ёқилишини истаса, респондентнинг нозик томонларини, албатта, биллиши лозим. Умнат Мирзакулов билан гурунгимиз самимий ва мазмунли бўлиши ҳамда узоқ давом этишини истганим учун мазкур қоидага амал қилдим. Гапни узоқдан бошладим.

– Янглишмасам, 1998-2004 йилларда вилоятга ҳоким бўлгансиз. Шу боис етакчи, ташкилотчи, раҳбарнинг зиммасидаги вазифаси, масъулияти сизга бегона эмас, деб ўйлайман. Биринчи Президентимиз чинакам раҳбар қандай бўлиши ҳақида кўп фикр айтганлар. Мана улардан бири:

"...Раҳбар ўз масъулияти ва жавобгарлигини, аввало, ўз виждони олдида, унга ишониб юрган одамлар ва эл-юрт олдида чуқур англаши керак, иш устида куйиши ва ёниши керак. Кечаю кундуз эл гами ва ташвиши билан яшаб, олдида турган муаммолар ечимини топмагунча, бошлаган иш-

Халқимизнинг ардоқли фарзанди Ислом Каримов мамлакатимиз учун буюк ишлар қилди. У кишининг республика раҳбари бўлиш-томонларини, албатта, биллиши лозим. Умнат Мирзакулов билан гурунгимиз самимий ва мазмунли бўлиши ҳамда узоқ давом этишини истганим учун мазкур қоидага амал қилдим. Гапни узоқдан бошладим.

Умнат ака оғир ютинди. Бўғизига алланима тик қилгандек. Орага бир неча сониялик сукут чўмди. Томоқ қириб гапиришга чоғланди. Чоғланди-ю... қўлидаги хатжилдни менга узатди. Кўзларимга қарамади.

Бейхитёр у киши берган қоғозга кўз ташладим: "Совхоз директори-дан Юқори Чирчиқ туманига биринчи раҳбар этиб тайинландим. 1986 йилда мени Москвага чақиртиришди. Кетишга тараддудландим. Ҳе йўқ, бе йўқ, маҳамага олиб кетишди мени. Қўшиб ёзган эканман. Саккиз йилга кесилди. Хотиним беш нафар фарзандим билан боқувчисиз қолди. Қора қозонни қайнатиб учун боғчада фаррошлик қилганини кейин билдим.

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING BIRINCHI PREZIDENTI ISLOM ABDUGANIEVICH KARIMOVNING XOTIRASINI ABAIDIYLAŞTIRIŞ TŪGRISIDA

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигиндан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошимиз гоёт қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланиётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серкирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олган Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат ношжорат ташкилотлари, мамлакатимиз фуқароларидан кўплаб таклифлар тушмоқда.

Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги буюқ тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Аб-

дуганиевич Каримовнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Куйидагилар:
2016 йил октябрь ойда Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилгани;
Тошкент шаҳар, Яшнобод туманининг Фарғона йўли кўчасида жойлашган жоме масжидга "Ислом ота жоме масжиди" деб ном берилгани;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда "Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш чора-тадбирлари режасини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқсин.

Шу муносабат билан куйидаги вазифалар топширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуасини барпо этиш;

тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Би-

ринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймосини яратиш бўйича халқаро ижодий танловда голиб деб топилган ҳайкаллари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Ислом Каримов туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида ва у киши биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ўрнатилсин;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари биргаликда: Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида (Ўзбекистон кўчаси, 45) Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш ва Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фондиди ҳам ушбу манзил бўйича жойлаштириш; Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейини ташкил этиш;

куйидаги муассаса ва объектларга: Тошкент давлат техника университети; Асака шаҳридаги автомобиль заводи; Фарғона шаҳридаги Санъат саройига;

Тошкент халқаро аэропортига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2017 йил 25 январь

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифлари асосида) Ислом Каримов номини бериш; ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд топган сана – 30 январь кунини кенг нишонлаш, 2 сентябрь кунини Хотира кунини сифатида ёд этиш. Ушбу саналар муносабати билан оммавий ахборот воситаларида Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритиш; олий ўқув юртлири талабалари учун Ислом Каримов номидаги давлат стипендиясини жорий этиш;

Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадий асарлар, ҳужжатли ва бадий фильмлар яратиш;

Ислом Каримов сиймоси акс эттирилган махсус почта маркаларини чиқариш.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ тадбирлар кенг ёритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А. Арипов зиммасига юклансин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яхши ташаббус

Вилоят ҳокими Шукурулло Бобоев Тошкент тиббиёт академияси қошидаги лицейда мазкур академия ва Тошкент педиатрия институти битирувчи талабалари билан учрашди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қарантилаётгани таъкидланди. Шунингдек, пойтахтимиздаги етакчи тиббий муассасаларда ўқишни мамлакатимиз вилоятимиз йигит-қизларини ишга жойлаштириш юзасидан сўз борди.



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Вилоят Кенгашининг сессиясида

Тўйташа шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XX сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, ташкилот ва бошқармалар бошлиқлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партияларнинг вилоят Кенгашига алоқадор етакчилари, туман, шаҳар ҳокимлари, прокурорлари ва ички ишлар бўлиmlлари бошлиқлари, йирик саноат корхоналари мутасаддилари, вилоятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар ва Сенат аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА ГАЛДАГИ РЕЖАЛАР ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Сессия ишида дастлаб вилоят ҳокими Ш. Бобоевнинг вилоят ҳудудларини ривожлантиришда йўл қўйилган камчиликлар ва 2017 йилги иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари бўйича амалга оширилган устувор вазифалар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Вилоят ҳокими ўз ҳисоботида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Ҳисоботда қайд этилганидек, ўтган 2016

йил мобайнида 30 та йирик инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилди. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамяти томонидан Ангрэн иссиқлик электр станциясида 130-150 мегаватт қувватга эга энергоблокнинг иш бошлагани, "Ангрэн" эркин иқтисодий зонасида қўйилган занжирли ариатура ва изоляторлар ишлаб чиқариш ўрлаштирилгани, электрлаштирилган Ангрэн – Поп темир йўлининг ташкил электр тармоқлари подстанциялари қурилгани шулар жумласидандир.

Ҳисобот даврида вилоят ялли худудий маҳсулотини 7,1 фоизга, шу жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 7,6, қурилиш-пудрат ишлари 1,8, хизмат кўрсатиш 16,7, чакана савдо айланмаси 14,6, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш 5,5 фоизга ўсди.

Давоми 2-бетда. ➡

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Вилоят прокуратура органларининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Худудда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар муҳофазасига бағишланган мулоқотда вилоят прокуратураси масъуллари, туман ва шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда барча тезкор ходимлар иштирок этди.

Вилоят прокуратурасида

Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишлан-

ган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида сўз борди. Таъкидланганидек, соҳа хо-

димлари зиммасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг муносабатларини ўз вақтида ва қонуний ҳал этилиши ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, янги қабул қилинаётган қонун ва фармонларнинг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва

аҳолига ўз вақтида етказишдек муҳим ва масъулиятли вазифалар бор. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сиёсий ҳаётдан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш

чора-тадбирлари тўғрисида" - ги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонларидан келиб чиқадиган вазифаларни тизимли равишда амалга ошириш лозимлиги қайд этилди. Чуқур таҳлил ва танқидий руҳда ўтган мажлисда вилоят прокуратураси органларининг 2016 йилдаги фаолияти атрафлича таҳлил этилиб, йўл қўйилган камчиликлар муҳофазасида қилинди.

Дилшод ИСМОИЛОВ, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШНИ ЎЙЛА...

"Пахта иши" деб аталган кампания оқибатида минг-минглаб инсонлар ноҳақ жабр кўрган. Ўзбекистоннинг янги раҳбари олдида турган, мардлик ва жасорат билан, ҳар томонлама пухта ўйлаб ҳал этишни талаб қиладиган муаммоларнинг энг мушқули шу эди. Бу даврда, яъни 1986-1989 йилларда Ислом Каримов Қашқадарёда раҳбар бўлган. Бундай шафқатсизлик қандай оғир оқибатларга олиб келганини шу воҳа мисолида ҳам кўриш мумкин.

Буни рақамлар тилида баён қиладиган бўлсам, шундай манзара пайдо бўлади: вилоят раҳбарининг 3 муовини, 8 нафар бўлим мудири, шаҳар ва туман партия кўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроия кўмитасининг раиси, унинг 4 нафар ўринбосари, масъул котиби, 12 шаҳар ва туман ижроқўмининг раиси, 27 йирик ташкилотнинг раҳбари, 99 колхоз ва совхознинг раис ва директори ишдан олинди, уларнинг аксарияти жиноий жавобгарликка тортилди. Шўринг кургурлар ўрнини Ўзбекистон ҳақида зигирча маълумотга эга бўлмаган "десантчи-мутахассислар" эгаллаб олди. Улар миллий қадриятларимизни топтаб, халқимизнинг бойликларини талаб, бегуноҳ одамларни ишдан бўшатиб, қамаб, ўзларича "тозалаш" ишларини олиб борди.

Бу рақамларни мен ҳаводан олаётганим йўқ. Аниқ факт бу. Ҳеч қим инкор этолмайди... "Кора булут" аста-секин тарқала бошлади. 1989 йилдан "мутахассис" импортига чек қўйилди. Масъул лавозимларни эгаллаб турган 400 дан ортқ "десантчи" хуржунини елкалаб, келган жойига равона бўлди.

Ислом Каримов бош прокурор олдиға республика миқёсида манфаатларини ҳимоя қилиши, айниқса, "пахта иши" билан ноҳақ қамалган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш масаласини кўйди. Махсус комиссия тузилди. Юзлаб ишлар қайта ўрганилди, тергов ҳужжатлари Ўзбекистонга қайтарилди. Қатагон тегиримини тўхтатилди, ва ҳеч қандай айбоси ҳисба олинган минглаб ватандошларимиз озодликка чиқди. Манглайига куёш текканлар орасида мен ҳам бор эдим.

1998 йил. Вилоят ҳокими Эркин Рўзиевга муовин эдим. У Самарқанд вилоятига ҳоким бўлиб кетди. Шу орада Ислом ака ҳузурларига чақиртирилди. Анча суҳбатлашдик. Кейин Тошкент вилояти ҳокими лавозимига сени тайинламоқчимиз. Шунга нима дейсан?.. дедилар. Очиги, эсанкираб қолдим. Чунки бир пайтлар "пахта иши" билан қамалиб чиққан одамга Президент юксак ишонч билдириши, яна денг, вилоятга раҳбар этиб тайинлаши... Қамокдан чиққанымда қалбимдан кечкан туйғулар, хаёлимдан ўткан фикрлар қайта жонланди. Айтмоқчи бўлдим, журъатим етмади...

2002 йилда Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси бўлди. Унда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов иштирок этди. Танаффус пайти у кишига юзланиб: "Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, кўпдан бери Сизга бир гапни айтмоқчи бўлиб юривдим. Ижозат берсангиз. Биласиз, "пахта иши" билан қамалганман. Минглаб ватандошларимиз қатори менинг ҳам озодликка чиқишимда жароат кўрсат-

гансиз. Эл-юрт олдида шаънимни, обрў-эътиборимни тиклагансиз. Ушунда яна раҳбар лавозимларида ишлаш хаёлимнинг бир бурчагига ҳам келмаган. Юксак ишонч билдириб, юқори лавозимларга тайинладингиз. Ростини, Сиз менга отам қилмаган, ҳеч қачон қилолмайдиган яхшиликлар қилдингиз. Миннатдорман, қарздорман Сиздан бунинг учун..."

Ушунда бу гапларни айтишга қаердан журъат толганман, билмайман. Ҳозир ҳам ўйласам, ақлим бовар қилмайди. Лекин сўзларимни эшитаётган Ислом аканинг ҳолати сира кўз олдимдан кетмайди: гапиряпман. Ислом ака кўлларини қовуштирганча менга қараб турибдилар. Кўзларига боқсам, салобатлари босиб, сўзимни ақиболмаслигини сезаман ва атрофга қарайман. Яна Ислом акага кўз ташлайман. Аммо бу сафар нигоҳлари менга эмас, ерга қадалган...

Бунинг маъноси нима, қайси сўз билан ифодалаш мумкин бу ҳолатни? Қани, шугина саволга жавоб топа олсам?!

Орадан бир неча ой ўтди. Хонада муовинларимни йиғиб зарур топшириқлар бераётсам, туйқус телефон жиринглади. Олсам, Ислом ака! Қўлим билан ишора қилиб, муовинларимга хонадан чиқиб туришларини айтдим.

Ҳол-аҳвол сўрагач, берган топшириқларининг натижасини сўрашди. Жавоб бердим. Галла планини бажарганимиз учун табриқладилар. Бирдан: "Умнат, пахта иши" билан қамалганлар нима айб қилган, биласанми? - деб сўрадилар. Ҳадеганда жавоб беравермаганим учун - Ватанини севган, - дедилар. Ватанини севган, унинг порлоқ келажиги учун борини бағишлаган, бор имкониятини шу халқимизни рози қилишга сафарбар этган, ҳалол, виждоний уйғоқ, имони бутун, эътиқоди мустаҳкам инсонларга нисбатан қилган адалатсизликни тикладик, холос. Ҳа, яна сессия танаффусида қолган умримни Сизнинг хизматингизга бағишласам ҳам қарзимни узмаган бўлсам, дедим. Чиндан шуни истасанг, ҳақимизга, Ватанимизга бағишла умрингни. Халқни рози қилишни ўйла... Улар сендан рози бўлса, менга хизмат қилдим, деб ҳисоблайвер..."

Бу қадар кўп гурунқ қилмаган эдик Ислом ака билан...
...2016 йил 22 ноябрь куни Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди. Президентимизнинг маърузаси Ислом ака билан телефон орқали бўлган суҳбатни, айтган гапларини эслатам. Шавкат Мирзиёев Ислом Каримовнинг ишларини янги босқичга олиб чиқди, изчил давом эттирмакда, чиндан ҳам сиёсий меросхўри эканини амалда исботламакда.

Биринчи Президентимиздан озод ва обод Ватан қолди. Бу азиз Ватан бундан-да тараққий этиши, унинг равнақи йўлида бутун халқимиз янада жипслашиши шубҳасиз."

Ўқиб бўлгач, Умнат Мирзакулова боқдим. Энди қаршимда Тошкент вилоятининг солиқ ҳокими, Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғининг директори эмас, Бобо куёш тафтидан дили мунаввар бўлган бахтиёр инсонлардан бири ўтирарди...

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернет-даги манзили — www.thtp.uz орқали ҳам танишингиз мумкин.

Мамлакатимизда пластик карточкалардан фойдаланиш тобора оммалашиб бормоқда. Табиийки, бу замонавий ҳисоб-китоб қилишнинг мукамал тизими яратилганидан далолатдир.

Пластик карталар тизими жуда кўп қулайликларни ўз ичига олади.

Фуқаролар "MBANK", "Click", "UPAY" каби замонавий тўлов воситалари ёрдамида мол-мулк ва ер солиқлари, коммунал хизматлар ва уяли алоқа учун тўловларни амалга ошириши, ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағлари бўйича маълумотлардан хабардор бўлиш ва карточкаларга юклаб олиш

имкониятига эга бўлди. Бу эса вақт ва ортқча сарф-харажатларни тежайди. Албатта, банк пластик карточкаларига савдо қилишдан асоссиз бош тортиш ва товарлар нархини сунъий ошириш каби ҳолатлар учраб тургани ҳам аниқ ҳақиқат. Юқоридаги каби ҳолат-

ПЛАСТИК КАРТОЧКА: ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

ларнинг олдини олиш ва қоидабузарларни тегишли тартибда жавобгарликка тортишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Кўмитасининг (0-371) 244-98-98, вилоят ДСБнинг (0-371) 200-20-21 ишонч телефонлари орқали фуқаролар билан доимий алоқа ўрнатилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Қуйи Чирчиқ тумани давлат солиқ

инспекцияси томонидан ҳам тизимли равишда ишлар олиб борилмакда. Жумладан, ўтган йилнинг 1 декабрига қадар фуқароларнинг мурожаатлари асосида 4 та тадбиркорлик субъектларида белгиланган тартибда ўрганишлар ўтказилиб, қонун ҳужжатлари асосан жазо чоралари қўлланилди. Худуддаги тадбиркорлик субъектлари тўлов терминал-

ларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баровари миқдоридagi жазима, мабодо бу ҳолат бир йил мобайнида такроран содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баровари миқдоридagi жазимага тортилиши ҳақида огоҳлантирилмоқда. Мухтасар айтганда, республикамизда амалга оширилаётган ҳар бир

ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА ГАЛДАГИ РЕЖАЛАР ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



таъкидлади вилоят ҳокими. Йиғилишда вилоятда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Айтиш жоизки, мазкур дастур доирасида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш юзасидан йирик чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 327,9 миллион сўм ва 2,8 бугунги давр талабига асло жавоб бермайди, деб

Сессия вилоят ҳокими ўринбосарларининг ўз комплексларига кирувчи бошқарма ва ташкилотлар билан биргалликда 2017 йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар тўғрисидаги ахборотларини эшитиб, муҳокама қилди. Шунингдек, сессия ишида вилоят прокурори Ж. Файзиёвнинг ҳудудларда қонунийликни таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи ҳам тингланди. Депутатлар ва вилоят фаоллари сўз олиб, қайд этил-

ган масала ва муаммоларни бартараф этиш, жорий йилда вилоят жамоатчилиги ва фаоллари олдида турган масъулиятли вазифалар ижроси юзасидан ўз фикр ва таклифларини баён этишди. Сессияда депутатлар томонидан вилоят ҳокими ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти қониқарли, деб топилди. Қўрилган барча масалалар ижроси юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз.

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

– Ўқш давомида сохани иложи борича пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим, – дейди Шухрат. – Ниятим – яхши шифокор бўлиш, ўзим туғилиб ўсган Бекобод туманига бориб ишлаш, халқимизга, Ватанимизга хизмат қилиш, наф келтириш. Академияда олган билим ва малака бунда қўл келиши шубҳасиз.

Ҳозирги кунда вилоятимизда анестезиолог-реаниматолог шифокорлар, шуларнинг ичидан, педиатр, терапевт, акушер-гинеколог, офтальмолог ва бошқа ихтисослашган бўйича олти юз нафардан зиёд врачга эҳтиёж мавжуд. Айни кунда

кадрлар таъминоти билан боғлиқ бу масалани ижобий ҳал қилиш чора-тадбирлари кўрилмакда.

Маълум бўлишича, Қибрайдаги шошилинч тез тиббий ёрдам хизмати ҳам шифокор керак экан. Шу ерлик Баркидил Абдуллаева эса ҳадемай Тошкент педиатрия тиббий институтининг магистратура босқичини аянан шошилинч тиббий ёрдам йўналиши бўйича тамомлайди. – Мамлакатимизда ёш кадрлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, – дейди Баркидил. – Вилоят ҳокимининг шахсан ўзи келиб, шаҳар ва туманлардаги тиббий муассасаларга

бизни ишга таклиф этиши, ишга жойлашиш билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор бериши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бундай тадбирлар бизга куч-ғайрат бағишлаш баробарида эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Қизгин баҳс-мунозарага айланиб кетган учрашувда битирувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга вилоят ҳокимидан батафсил жавоб олдилар.

Ҳолимурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.



Бизга ёзадилар

Қибрай тумани, Чинобод қишлоғи, "Бўстон" маҳалласида яшовчи Нодиржон Йўлдошевни маҳалладошларимиз ҳолатбарор тадбиркор, дея алқашадим.

КЎПЧИЛИКНИНГ ДУОСИ

У яқинда қурилган озиқ-овқат дўконини кенгайтириб, кийим-кечак, ўйинчоқлар бўлимини ташкил этди. Аҳолимиз нархи ҳамёнбоп маҳсулотларни узоққа бормай, ўз маҳалламиздан харид қилмоқда.

– Тадбиркор одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилсагина ҳақиқий тадбиркор бўлади, – дейди у. Нодиржоннинг савдо шахобчасини янада кенгайтириши, дорихона ташкил этиб, маҳалладошларини зарур ва арзон доридармонлар билан таъминлаш мақсадидаги саъй-ҳаракатлари кўпчиликнинг дуоси билан тез кунларда амалга ошиши шубҳасиз.

Санобар ҚОРАБОВА,
маҳалла маслаҳатчиси.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР – АМАЛИЁТГА

Бўстонлик туманидаги 18-умумтаълим мактабида Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда институтнинг "Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим" кафедраси, тумандаги умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ҳамда ХТМФМТ ва ТЭ бўлими мутахассислари иштирок этди.

Давра суҳбатида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ўқитишнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, умумтаълим мактабларида илғор тажрибаларни қўллаш, ўқувчилар саводхонлигини янада юксалтириш бўйича фикр алмашилди. Би қатор илмий ходимларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

А. АБДУЛЛАЕВ,
институт ходими.

Жараён

Мамлакатимизда пиллачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва етиштирилган хом ашёни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни экспорт қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу пиллачилик корхоналари, фермер хўжаликлари ҳамда пиллакорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда.

ПИЛЛА МАВСУМИГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗГИН

– 2016 йилда вилоятимизда ҳам пиллачиликни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди вилоят "Пилла" масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Улуғбек Наврўзов. – 2016 йилда вилоятда 29 минг 560 қути ипақ курти парваришланди. Режадаги 1630 тонна ўрнига 1641,4 тонна пилла маҳсулоти топширилиб, йиллик шартнома 100,7 фоизга бажарилди. Жорий йилда ҳам вилоятимизда 1630 тоннадан ортқ пилла етиштириш режалаштирилган. Айни пайтда жойларда ипақ курти парваришлаш мавсумига тайёргарлик ишлари бошлаб борилади. Ипақ курти боқувчиларнинг тажрибасини ошириш мақсадида жойларда пиллакорлар учун ўқув курслари, амалиёт машғулотлари ташкил этилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жараёндаги муҳим тадбирлардан бири пиллакорлар билан шартнома тузиш ҳисобланади. Маълумотларга кўра, қабул қилиш корхоналари туманлардаги 4766 та фермер хўжаликлари, 8 та пахта тозалаш корхонаси билан контрактация шартномалари тузган. Шу билан бир қаторда 26017 та ипақ курти боқувчи хонадонлар билан ҳам ички меҳнат шартномалари тузилган. Саноат учун қимматбахо хом ашё ҳисобланган юқори сифатли пилла етиштиришнинг муҳим омилли тутзорларни кенгайтириш, тут плантацияларини парваришлаш, янгиларини барпо этиш, бир сўз билан айтганда, тўйимли озуқа базасини яратиш ҳисобланади. Бу борадаги ишлар ҳам эътибордан четда қолмапти. Хусусан, 2016 йилнинг баҳорида 956 минг 500 туп тут кўча-ти экилди. Мавжуд тутзорларда зарур агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Тадбир

Вилоят педагогика коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



САНЪАТКОРЛАР ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

Унда элимиз ардоғидаги санъаткорлар, ҳаракатнинг вилоят кенгаши вакиллари, кенг жамоатчилик ва ОАВ ходимлари иштирок этди. Очiq давра суҳбати шаклида ўтган тадбирда "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш, ёш авлодини Ватанга муҳаббат руҳида, кенг

дунёқараш ва чуқур билимни қилиб тарбиялаш масаласида фикр-мулоҳазалар билдирилди. - Ёшлар қалбида она юртва садоқат, жамият ривожига дахлдорлик туйғуларини камол топтириш, уларни ҳақиқий ватанпарвар этиб тарбиялашда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс, - дейди вилоят

педагогика коллежи бошланғич ташкилоти етакчиси Камола Исмоилова. - Ишонманки, санъат усталари билан бундай учрашувлар ўқувчилар ёдида узоқ сақланиб қолади. **Абдулазиз МУСАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.** Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

МАЪРИФИЙ КЕЧА

Пискент туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш мавзусига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорликда ташкил этган тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг диний-маърифий ишлар бўйича масъуллари, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари вакиллари, ИИБ участка ноирлари ва ёшлар иштирок этди.

Унда мамлакатимизда ёшларни "оммавий маданият" ва бошқа ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, маънавий-ҳуқуқий билимининг юксалтириш бўйича амалга ошириладиган ишлар хусусида сўз борди. Шунингдек, мутахассисларнинг турли ахборот манбалари, интернет маълумотларидан тўғри ва ўринли фойдаланишини йўлга

қўйишга бағишланган маърузалари тингланди. Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликни асраб-авайлаш учун ҳамisha оғоҳ бўлиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи экани, ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда таълим муассасалари, маҳалла, ота-оналар ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Тадбир якунида "Маҳалла полигони" номи видеофильм намойиш этилди. **Шоира ШОМАТОВА.**

Мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий жараёнлардаги иштироки, ислохотлар моҳиятини тафаккур қилиш салоҳияти мисли кўрилмаган даражада орди. Хусусан, кейинги вақтда қабул қилинган ўнга яқин ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам бу борада одамларимиз қалбига ишонч ва масъулият ҳиссини юқлапти. Эндиликда ҳар бир фуқаро муаммо ва кийинчилик олдида доврараб туришига ҳоҳат йўқлигини, шахсан давлат раҳбарининг, турли вазирлик, идора, бошқарма раҳбарларининг виртуал қабулхоналари ташкил қилинганини яхши билади. Бошқа томондан, сўзининг масъулият ҳисси билан бу жараёнларда иштирок этмоқдалар.


ал қабулхонасига мурожаат қилиб, тадбиркорлик фаолиятига кўмак берганларга миннатдорчилик билдиришни сўраган эканлар. Отақоннинг самимий изҳорларини эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, тадбир-

ер ажратиб беришди. Имкон қадар ҳаракат қилдик, ҳуллас, тез орада, маҳалламизда замонавий, шинам чойхона қад ростлаб, фаолиятини бошлаб юборди. Бироқ, ишнинг бундай маромини кўрган баъзилар га-

ди, адолат тарозиси билан ҳукм чиқарилди. Барча ишни қонуний, тегишли тартибда амалга оширганим учун маҳкамда ҳақлимиз яна бир қарра исботланди - ўз меҳнатим, сармоям эвазига қурилган сўлим маскан фаолияти бардавом бўлди. Эҳтимол, бу ҳодиса кимлар учундир арзимас, майда гап бўлиб туюлиши мумкин, бироқ оилам, бутун маҳалламиз учун айни чоғда қарор топган адолатнинг гоё катта аҳамияти бор. Зотан, келажак авлод, ёшлар ҳақиқат йўлида, адолат ботида бебаҳо сабоқ олгани бир жиҳат бўлса, иккинчидан, ҳар ишни қонун йўли билан, аниқ ража асосида амалга ошириш нақадар муҳим эканлигини яна бир қарра тушуниб етишди.

МУҲАММАДЖОН ОТАНИНГ ҚАЛБ ДАФТАРИ

ёҳуд виртуал қабулхонага йўлланган миннатдорлик мактуби



Изҳор

корлик, юрт равнақига улуш қўиши борасида ишлар ҳеч қачон беэътибор қолмаслигини таъкидлаган бўламиз...

"Мен 81 ёшдаман. Яқинларим билан кенгашиб, ўзим истикомат қилидиган маҳаллада оталар чойхонасини қуришга бел боғладим. Мутасадди идоралар бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, маҳалла худудидан

йирлик қилиб, тайёр ошга шерик бўлишга ҳаракат қилишди. Биз қурган иморатга ёндош худуднинг эгаси аллақандай ваз-қарсонларни рўқча қилиб, чойхонагаю у жойлашган ерга даъво қила бошлади. Мени қўқитмоқчи бўлиб, судга мурожаат қилди. Шу тариқа иш фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида кўриб чиқилди. Хайрият, судда вазият кунт билан ўрганил-

Мазкур мўъжаз мактуб орқали Зангиота туманлараро суди судьяси Р. Шуқурова, туман кадастр бўлими раҳбариятига катта миннатдорлигини матбуот орқали етказиб қўйишингизни сўрайман. **Эҳтиром билан, Муҳаммаджон ХУДОЙНАЗАРОВ, Зангиота тумани, Ғ. Умаров ф/х, Ёшлик кўчаси, 13-уй."**

Реклама ва эълонлар

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташини ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2017 йил 28 февраль соат 10.00да очик тендер ўтказилади.

- 1. ВХ-510 "Кўйлик АШБ - "Чорбоғ" ЧСШ" (такрорий)
2. ВХ-403 й.т. "Хондайлик қишлоғи" - Ғазалкент АШБ - Чирчиқ АББ" (такрорий)
3. ВХ-306 й.т. "Гулбаҳор шаҳарчаси - Халқобод кўргони" (такрорий)
4. ВХ-308 "Янгийўл шаҳар - Отажонов ф/у" (такрорий)
5. ВХ-508 й.т. "Қибрай туғуруқхонаси - Крупская кўргони" (такрорий)
6. ВХ-509 й.т. "Чирчиқ АББ - ТТЗ АШБ" (такрорий)
7. ВХ-444 й.т. "Тўйтепа АББ - ТошДАД - Навоий ф/у" (такрорий)
8. ВХ-445 й.т. "Кўйлик АШБ - Бешбой ф/у" (такрорий)
9. ВХ-554 й.т. "Ғазалкент АШБ - Чорвоқ кўргони" (такрорий)
10. ВХ-557 й.т. "Кузилсув" маҳалласи - Ғазалкент АШБ" (такрорий)
11. ВХ-252 "Ангрен АШБ - Бекобод АББ" (такрорий)
12. ВХ-528 й.т. "Чирчиқ АББ - Қибрай туғуруқхонаси (Улугбек кўр.орқали)" (такрорий)
13. ШИ-6 й.т. "УМК бозори - ЭСПК орқали - БМУ корхонаси" (такрорий)
14. ВХ-552 й.т. "ТТЗ АШБ - Ғишткўприк" маҳалласи" (такрорий)
15. ВХ-548 й.т. "Ғазалкент АШБ - Хумсон қишлоғи" (такрорий)
16. ВХ-607 й.т. "Зафар АЧСБ - Мавлонов ф/у" (такрорий)
17. ВХ-226 й.т. "Янгийўл АШБ - Чилонзор буюм бозори" (такрорий)
18. ВХ-286 й.т. "Янгийўл темир йўл вок-



- қишлоғи (Хўжақўрган орқали)" (такрорий)
35. ВХ-469 "С. Раҳимов ф/у - Чорсу савдо маркази" (такрорий)
36. ВХ-449 "Кўйлик АШБ - Ўзбекистон ф/у" (такрорий)
37. ВХ-641 й.т. "Кориз қишлоғи - Олмалик БТИ" (такрорий)
38. ВХ-642 й.т. "Бўка АШБ - Пискент АШБ (Сувти орқали)" (такрорий)
39. ВХ-625 й.т. "Номданак - Жумабозор - Кўйлик АШБ" (такрорий)
40. ВХ-564 й.т. "Байтқўрган қишлоғи - ТТЗ АШБ" (такрорий)
41. ВХ-612 "Ғишткўприк боқхона пости - Келес шаҳарчаси" (Кенсой орқали)
42. ВХ-558 й.т. "Ғазалкент АШБ - Кўйлик АШБ" (такрорий)
43. ВХ-379 "Пархент АШБ - Самсарак қишлоғи" (такрорий)
44. ВХ-573 "Меҳнат қишлоғи - Тараққиёт - Х. Абдуллаев метро бекати"

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилди!

Савдога Ўрта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2016 йил 14 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Корасув ҚФЙда сақланаётган, "ҒБА СЛГ Ваз-21061" русумли, давлат рақами 10Л473КА бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси тақдоран кўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 6 700 736 сўм 16 тиин.

сан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси биносиде сақланаётган, "Дамас" русумли, давлат рақами 10 342 SAA бўлган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси кўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 33 292 000 сўм.

калат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги хўр: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдоларда иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва ишонччи шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилди!

2017 йил 1 март соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Юқори Чирчиқ тумани судининг 23.11.2015 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, А. Ясавий ҚФЙ, "Кизилкурт" МФЙ, Норматов кўчасида жойлашган, умумий майдони 3219,61 кв.м. бўлган дала ҳовли, бошланғич баҳоси - 517 293 874 сўм миқдориде тақдоран кўйилмоқда. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридеги кўмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокиде бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосиде иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланғич баҳоси бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосиде қатнашиш истагиде бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳиде тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлагичга тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz. Лицензия RR-0052.

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этилди!

1. Савдога Қибрай тумани СИБ томонидан, ФИБ Тошкент вилояти, Чирчиқ туманлараро судининг 23.11.2016 йилдаги 17765-68/10-сонли ижро ҳужжатига асосан кўйидаги кўмас мулклар кўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон ҚФЙ худудиде жойлашган, "Ramtonqul-baraka" МЧЖга тегишли, жами фойдаланиш майдони 1340,75 кв.м. (11-05-08-01-01-0025) бўлган, дурадгорчилик сезми, омборхона ва қоровулхона бинолари кўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 442 875 000 сўм.

кент вилояти, Янгийўл тумани, Э. Қовунчи ҚФЙ, Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 497,10 кв.м. бўлган 2-уй тақдоран кўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 50 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2017 йил 4 февраль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар масофадан туриб www.emulk.uz сайти орқали онлайн тарзида топшириши мумкин. Аризалар қабул қилишнинг охири муддати: 2017 йил 10 февраль соат 18.00 гача. Савдога кўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокиде бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000500433601001, МФО 00445, ИНН 303179580. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осий кўчаси, 1-уй, Телефон: (+99895) 193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудиде рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташинишлари амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақлифларида таъсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб қўриқдан

ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги худудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий ҳулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши шартнаши учун мажбурий қаратилган. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга таъсия этишга ҳақли эмас. Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёҳуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди. Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга тақлиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади. Тендер ташкилотчиси - Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташиниш ташкил этиш вилоят комиссияси. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳкўчаси, 7-уй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташиниш ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳкўчаси, 7-уй. Маълумот учун телефон: (+99871) 279-39-22.

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА. Бош муҳаррир вази фасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ. Манзилиями: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@uamail.uz. Телефонлар: 233-58-85 (факс), 233-70-10, 233-90-82, 233-79-96, 233-38-23, 233-48-08, 233-81-21, 233-65-59, 233-54-10. Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатта олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ. Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА. Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУХҲУБАЕВ.